ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КУТУБХОНАСИ

Ушбу сонда:

2 Баҳор сийлайди ва синайди

Қарздорлик 3

Адолат – буюк давлатчилик асоси

«Доля» ёхуд товламачи фирибгар хусусида

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 14 (521) 2007 йил 10 апрель сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Гаров хатининг қонуний эгаси фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойини, агар гаров хатининг қонуний эгаси юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ерини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда ўзининг ипотекага олувчи сифатида белгиланган тартибда рўйхатга олинишини рўйхатдан ўтказувчи органдан талаб қилишга ҳақлидир.

Гаров хатининг қонуний эгасидан у ипотекага олувчи сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида лозим даражада тасдиқланган исботловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда хабарнома олган, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор мазкур мажбурият бўйича оралиқ тўловларни ҳар сафар гаров хати ўзига кўрсатилишини талаб қилмасдан амалга ошириши шарт. Қарздорнинг мазкур гаров хати эгаси олдидаги бундай мажбурияти, гаров хати бўйича ўз ҳуқуқларидан гаров хатининг эгаси фойдасига воз кечилганлиги тўғрисида хабарнома олгач, вужудга келади.

Гаров хатининг қонуний эгаси тўғрисидаги қайд ёзуви, гаров хати тақди этилган тақдирда, ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат этган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида қуйидагилар:

гаров хати бўйича ҳуқуқни ушбу қонуннинг 34-моддасига мувофиқ бошқа шахсга ўтказиш ҳамда гаров хатига белги қўйиш асосида, агар бундай ёзувни киритган шахс гаров хатининг қонуний эгаси ёки ипотекага олувчи бўлган бўлса, гаровга ўтказишга доир махсус ёзув унинг номига ёзилган, у гаров хатини ушбу қонуннинг 35-моддаси бешинчи қисмига назарда тутилган тартибда сотган бўлса;

гаров хати бўйича ҳуқуқлар юридик шахс қайта ташкил этилганлиги натижасида ёки мерос тартибида бошқа шахсларга ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

гаров хати бўйича ҳуқуқлар ариза берувчига тегишли деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори асосида амалга оширилиши керак.

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 19-МОДДА

Соҳибқирон Амир Темур туғилган куннинг 671 йиллигига

Халқ даҳосининг тимсоли

Буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади.
Ислом КАРИМОВ

Мушкул ва мураккаб замонда, эл-юрт келажаги учун жон фидо этувчи марду майдон камдан-кам топилган вазиятда озодлик учун мардона кураш инсон учун чинакам шарафдир.

Соҳибқирон Амир Темур ана шундай беқиёс мартабага муяссар бўлган, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳар биримиз учун юрт тимсоли, миллат тимсолига айланган улуғ зотдир.

Маълумки, Чингизхон қўшинлари Мовароуннаҳрнинг Самарқанду Бухоро, Гурганжу Банокат каби қатор муаззам шаҳарларини талон-торож этиб, ўт қўяди, кулини кўкка совуради.

Тарихчи Ибн ал-Асир "Тарих ал-комил" асарида ёзишича, Гурганж қамал этилгач, мўғуллар Амударёнинг асосий сув тармоғибош тўғонни бузиб ташлайди. Оқибатда бутун бир шаҳар сув тошқини остида қолиб кетади.

1220 йили Насаф шаҳри ҳам босқинчилар зулми туфайли вайронликка юз тутади, қалъа ва саройлар, масжид ва мадрасалар, осори атиқалар бузиб ташланади ва хароб аҳволга келтирилади. Мовароуннаҳр тарихий шону шавкатини йўқотиб, золим Чингизхон авлоди қўл остида тобеъ ва мустамлака ўлкага айланади ҳамда хорликка юз тутади. Гарчи шундай бўлса-да, эл-юрт озодлиги йўлидаги интилиш бир нафас бўлсин тинмайди. 1347 йили Амир Қазаған Насаф шаҳрида босқинчиларга сезиларли шикасту зарба бергани ана шундан далолатдир. Лекин мураккаб тарихий шароит душманга зарба беришни эмас, балки халқнинг бошини бириктириб, озодлик йўлидаги мислсиз курашга ялпи сафарбар этишни, бу муборак заминда истиқлол байроғини баланд кўтаришни тақозо этарди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мана шу мушкул ва тарихий вазифани адо этибгина қолмай, пароканда мамлакатлар, эллар ва элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

У қадимий шаҳарларимизни аввалгидан ҳам гўзал ва обод этиб, халқимизнинг қадди-бастини баланд кўтарди.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов:

Бу ерларда илк бора
янграган Темур саси,
Чингизийлар бошига
солиб кўркув, ваҳмалар,

дегани каби, бу улуғ зот сиймосида ота-боболаримизнинг киндик қони томган она заминга чексиз меҳр-муҳаббати, озодлик ва эркинликка буюк интилиши ўзини намоён этади.

Қадим Шарқда уйғониш ва тикланиш даврини бошлаб берган бу улуғ сиймо, гарчи яқин ўтмишда мустабидлар томонидан батамом қораланган бўлса-да, ўзининг мислсиз даҳоси билан доимо дунёни ҳайратга солиб келган. Нимага десангиз, бундан олти аср муқаддам бу зоти шариф Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, муносиб равишда хитойлик, испаниялик, франциялик, англиялик, кастилиялик ва яна кўплаб бошқа хорижий элчиларни ўз саройида қабул қилган, Ўрта асрда халқаро миқёсда дипломатия ва иқтисодий савдо алоқаларини олий мақомда йўлга қўйган.

Соҳибқироннинг умумбашарий тараққиётга қўшган ҳиссаси XV асрдаёқ ғарб оламида эътироф этилиб, бу зотнинг шарафига мумтоз ёдгорлик ўрнатилган ва мана шу обида пойига «Европанинг халоскорига» деган шарафли сўзлар ёзиб қўйилган. Тарихдан огоҳ ҳар бир киши бунда чуқур ҳаётий ҳақиқат ва самимий эътироф мужассам эканини теран англайди, албатта.

Қаранг, улуғ бобомиз мумтоз сиёсат юритиб, қўл остидаги ўлкаларда беқиёс меъморий обидалар, гўзал боғ ва саройлар барпо этган. Бир сўз билан айтганда, ўзидан ҳеч ўчмас ном қолдирган, наинки Шарқда, ҳатто ғарбда ҳам Уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир кўрсатган. Шу боис, Европа мамлакатларида Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром ҳеч вақт сўнган эмас. Жаҳонгирнинг жанг санъати ҳамон оламдаги ҳарбий академияларда мумтоз илм сифатида ўқитиб келинади.

Парижда эса, Темурийлар даври тарихи ва санъати тадқиқот Ассоциацияси фаолият юритади. Ушбу Ассоциация президенти, профессор Люсьен Кереннинг "Темур замонидаги Самарқандга йўл" китоби шу йил Парижда учинчи бор қайта нашр этилиши, Бельгия санъат ва тарих қироллик музейи "Самарқанд Буюк ипак йўли чорраҳасида: Ўзбекистон музейлари хазинаси" кўргазмасини ташкил қилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, Соҳибқирон озодлик учун курашни 1365 йилнинг кузида, Қарши қалъасига ҳужум билан бошлаган ва босқинчи мўғулларга қақшатқич зарба берган. Шаҳарни улардан озод этгач, қалъани қайта тиклаб, истеҳком қурдирган, масжид ва мадрасалар, карвонсарой ва роботлар барпо этган. Кейин қаршилик шайх Шамсиддин Кулолнинг дуои фотиҳаси билан миллий озодлик йўлидаги узоқ ва сермашаққат курашни давом эттирган.

Юртни зулмдан халос этиб, миллатнинг, мамлакатнинг қаддибастини кўтаргач, Аллоҳ азиз этган ҳазрати Айюб, Шаҳзода Қусам ибн Аббос, ҳожа Аҳмад Яссавий, ҳазрати Занги ота ва Шайх Шамсиддин Кулол каби беназир зотлар ҳоки покида муҳташам мақбаралар барпо қилади, мулки давлатида сокин бўлган ҳазрати Али, Имом Ҳусайн, Имом Абу Ҳанифа, Салмон Форсий каби кўпдан-кўп ўтган азизлар қадрини янада зиёда этиб, мўътабар зиёратгоҳларини доимо обод сақлаб, улуғлик мақомига муносиб назру вақфлар тайин этади. Саккизинчи юз йилликда мўътабар динимизга равнақ берган мислсиз исломий раҳнамо сифатида ***қутбиддин*** *(дин қутби, исломиятда ғоят юксак мавқе қозонган зот)*, деган юксак шарафга муяссар бўлди.

Амир Темур Самарқандни пойтахт этгач, шаҳар қўрғонининг қалъасини қуришга, олий иморатлар ва тиллакори қасрлар барпо этишга фармон беради. *"Тез орада Самарқанд, ул динпарвар жаҳондорнинг ҳукмронлиги ва адолати бахтига муяссар бўлиб, ўта ободлиги, аҳоли кўплиги ва келиб-кетувчиларнинг маҳлиёлигидан шу даражага етдики, унинг овозасидан Қоҳира рашк либосини Нилга отди"*, деб ёзади тарихчи Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида.

Айниқса, Соҳибқирон ташаббуси билан бунёд этилган Оқсарой, Кўксарой, Бибиҳоним масжиди, Руҳобод ва Шоҳи Зинда ансамбли каби қатор муаззам обидалар, Боғи Баланд, Боғи Дилкушо, Боғи Биҳашт, Боғи Майдон, Боғи Чинор сингари кўпдан-кўп беқиёс боғу бўстонлар ниҳоятда машҳурдир.

Муаррих ҳофизи Абру: *"Улуғ амир ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳумоюн ва саодатли айёмида Мовароуннаҳр ер юзи мамлакатларининг пойтахтига айланди,* – деб ёзади "Жуғрофия" китобида. – *Жаҳоннинг турли жойларидан ҳунармандлар, фозиллар ва муҳандислар бу ерга оқиб келиб, яшаб ижод эта бошлади".*

(Давоми учинчи бетда)

Qonunning mohiyati

Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд

ушбу ташқи сиёсий ташаббуснинг амалий аҳамияти хусусида

Маълумки, «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2007 йил 3 апрелда матбуотда эълон қилинди.

Жаҳон ҳамжамияти, ривожланган давлатлар сиёсий доиралари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнига юқори баҳо бермоқда ва қабул қилинаётган қонунларнинг ғоятда муҳимлигини таъкидлашмоқда.

Хусусан, Австрия парламенти қуйи палатаси депутати, халқаро алоқалар қўмитасининг аъзоси Вернера Амона: «Мустақиллик қўлга киритилишидан аввал Ўзбекистонда ва минтақадаги бошқа мамлакатларда ҳеч вақт демократия қарор топмаган. Шу боис, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг давлат бошқарувини демократлаштириш борасида ҳар томонлама ўйлаб ва илгарилаб босаётган қадами олқишга сазовордир», деди.

Германия Бундестаги, яъни парламенти қуйи палатаси депутати, Германия —Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси Вольф Бауэр: «Мазкур қонунлар партияларнинг Ўзбекистон парламентидаги позициясини кучайтиради, унда оппозицион партиялар, уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари очиқ-равшан ифода этилган», деб эътироф этди.

Ушбу мамлакатнинг Саксония-Анхальт федерал ери Ландтаги президенти Дитер Штайнеке Президентимиз томонидан парламентга киритилган қонунларнинг лойиҳаларини сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрнини юксалтириш ва жамиятни демократлаштириш, давлат-ҳуқуқий тизимини янада такомиллаштириш ва айни пайтда, дунёнинг етакчи давлатлари парламентлари тажрибасини татбиқ этиш йўлида ташланган муҳим қадам сифатида баҳолади.

Япония парламенти депутатлари Чума Коки ва Нарияки Накаяма мазкур конституциявий қонунларга юқори баҳо бердилар ва ушбу ташаббуснинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг янада жадаллаштиришдаги улкан аҳамиятини таъкидладилар.

Минтақамизни оммавий қирғин қуролларидан холи бўлишини таъминлаш мамлакатимиз учун энг долзарб ва ўта муҳим масала бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: "Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ва бу борадаги тегишли келишувларни кучга киритиш минтақамиз давлатлари ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим", деб таъкидланган эди.

Маълумки, халқаро ҳаётга доир ҳар қандай ғоя ёки таклифни, гарчи у қанчалик тўғри ва олқишга сазовор бўлмасин, амалга ошириш сон кечмайди. Бу иш муайян ташқи сиёсий ресурсни сафарбар этишни, сиёсий ирода, дипломатик муроса, чуқур таҳлилий тадқиқотларни талаб қилади. Ташқи сиёсий ташаббусни илгари суриш ва энг муҳими, унинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг ва ҳар қандай миллий дипломатиянинг қўлидан келавермайди.

Ташқи сиёсий ташаббус, бу — мавҳум ғояларни илгари суриш эмас, балки миллий манфаатларга мос, чуқур таҳлилга асосланган, амалий аҳамиятга молик, пухта ўйланган дастурдир. Бундай сиёсатнинг ёрқин ифодасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан баён этилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тузиш ташаббусининг илгари сурилгани ва ҳаётга татбиқ этилганида кўрамиз.

1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Юртбошимиз сўзга чиқиб, тарихда илк бор дунё ҳамжамиятининг эътиборини минтақада юзага келган ўта мураккаб вазиятга қаратди ва Марказий Осиёдаги мавжуд асосий муаммоларнинг чуқур таҳлилини баён этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Adliya xabarlari

Адлия вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат мажлисида Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг сўнгги йиллардаги фаолияти таҳлил қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.
Мажлисни Адлия вазири Фозилжон Отахонов бошқарди.

Билим ва тажрибага таяниб



Маълумки, мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Зеро, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, касбга йўналтириш ва таълим жараёнини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш бугунги кундаги энг долзарб ва масъулиятли вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳайъат мажлисида бевосита лицей фаолиятига оид бўлган бир қатор масалалар, хусусан, ўқув ва ўқув-услубий, маънавий-маърифий, тарбиявий, илмий-тадқиқот ишлари, иш юритиш ва ижро интизоми, лицейнинг ходимлар билан ишлаш, молиявий-хўжалик соҳасидаги фаолиятлари танқидий кўриб чиқилди.

Академик лицей ижтимоий-гуманитар йўналишга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда мазкур таълим муассасасида 571 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Ҳайъат мажлисида академик лицей фаолиятидаги ижобий ҳолатлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, кафедралардаги ўқув-услубий ишлар назоратдан четда қолганлиги, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш кўрсаткичи ҳам талаб даражасидан анча пастлиги таъкидланди.

Шунингдек, мазкур ўқув муассасаси фаолиятини тубдан яхшилаш, ўқув жараёни ва илмий изланишлар борасида, шунингдек, ўқувчилар учун зарур бўлган дарсликлар тайёрлашда ўқитувчиларнинг илмий-педагогик имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Академик лицей фаолияти атрофлича муҳокама қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди ҳамда лицей салоҳиятини кўтариш, уни етарли билим ва тажрибага эга бўлган малакали педагог ходимлар билан таъминлаш, юзасидан тавсиялар берилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Анжуман

Шу йилнинг 3 апрель куни Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Аёл, оила ва жамият» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, шунингдек бир қатор вазирликлар, давлат идоралари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Анжуманда хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ижтимоий муаммоларига эътиборни янада кучайтириш, аёлларнинг жамият ривожида фаол қатнашишлари учун қулай шароитлар яратиш борасидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, хотин-қизларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Бу борада аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, жамиятнинг янгиланишида аёллар иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик – бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ёки тиббиёт соҳаси бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими – буларнинг барчасида хотин-қизларнинг салмоқли ўрни бор.

Конференция иштирокчилари томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги, мазкур қонунчилик ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги **"Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПФ-3434-сонли Фармони хотин-қизлар ҳаётида муҳим ўрин тутиши таъкидлаб ўтилди. Бу борадаги ҳуқуқий жараён изчил давом эттирилмоқда.

"Аёл, оила ва жамият" мавзуидаги конференция қизғин баҳс-мунозаралар руҳида бўлиб ўтди. Анжуманда хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш жараёнини амалга оширишда бевосита иштирок этиб келаётган давлат органларининг бу борадаги тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш, шунингдек, жойлардаги Хотин-қизлар қўмиталари билан адлия органлари ҳамкорлигини янада яхшилаш масалалари ҳақида келишиб олинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган.

Янги ўқув курси

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама ривожланиши ва камол топиши ҳамда бутун жаҳон коммуникация тизимига киришини қисқа муддатда таъминлаш учун хизмат қилади.

Олий Кенгашнинг 1993 йил 2 сентябрдаги қарори билан мазкур қонунни амалга киритиш тартиблари тасдиқланиб, хусусан, қарорнинг 2-бандида (1995 йилда ва 2004 йилда киритилган ўзгартиришлар билан) янги алифбога босқичма-босқич ўтиш ва бу иш 2010 йилнинг 1 сентябрига қадар тўлиқ тугалланиши белгилаб қўйилган.

Ушбу қарорнинг 3, 7, 9, 10-бандларида вазирликлар ва идоралар, ташкилотлар ва муассасаларга ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш вазифаси юклатилган бўлиб, янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан бошлаб 1940 йил 8 майда қабул қилинган **"Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида"**ги қонуни кучини йўқотиши ҳам ўз аксини топган.

Юқоридаги қонун ва уни амалга киритиш ҳақидаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги раҳбарияти Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган ҳамкорлик шартномасига асосан вазирлик ходимлари учун лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш курсини ташкил этди.

Мехрибон АББАСОВА, Адлия вазирлиги ходими

Qonunning mohiyati

Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд

ушбу ташқи сиёсий ташаббуснинг амалий аҳамияти хусусида

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Нутқда минтақанинг хусусияти, унинг геосиёсий жойлашувига эътибор қаратилиб, башарти бу ерда ҳодисалар ривожи салбий тус олса, у ҳолда бутун дунёда барқарорликнинг издан чиқишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ядровий қуролни батамом йўқ қилиш тарафдори экани эълон қилиниб, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш ташаббуси илгари сурилган эди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш концепцияси, **биринчи навбатда,** умумжаҳон хавфсизлигини, инсоният келажаги осойишталигини таъминлашнинг узвий омили сифатида кўрилмоғи лозим. Бундай ҳудудни барпо этиш асосида ядровий қуролга эга бўлган ҳамда эга бўлмаган давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажариш масъулияти ётади. Бошқача айтганда, Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудлигини нафақат бу ҳудуддаги давлатлар, балки барча, шу жумладан, ядровий қуролга расман эга бўлган давлатлар ҳам тан олишлари лозим. Шу мақсадда Шартномада унинг узвий қисми бўлган Баённома бор ва бу Баённома расман ядро қуролига эга бўлган беш давлат, яъни Хитой, Россия, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Франция томонидан имзоланиш учун очиқдир. Баённоманинг 1-моддасига биноан, унга имзо чеккан давлатлар Шартномада иштирок этувчи мамлакатларга нисбатан ядровий қуроллар ёки бошқа ядровий портловчи қурилмаларини ишлатмаслик ёки ишлатиш билан таҳдид қилмаслик мажбуриятини оладилар.

Иккинчидан, бу ташаббусга Ядровий қуролни тарқатмаслик ҳақидаги шартноманинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Бу билан мажбуриятлар сирасига нафақат ядровий қуролга эга бўлмаслик, балки уни яратишда керак бўлган моддаларнинг ғайриқонуний алмашинувига йўл қўймаслик шарти ҳам киради.

Учинчидан, бундай ҳудуднинг яратилиши давлатларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларига риоя қилиши назоратини таъминлаш билан боғлиқ. Шартноманинг 10-моддасига биноан, томонлар ушбу Шартномага риоя қилиш ёки Шартномани амалга ошириш борасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун бир йилда бир марта ёки фавқулодда Маслаҳат учрашувларини ўтказадилар.

Тўртинчидан, бу ташаббуснинг амалга ошиши инсон манфаатларига, унинг яшаш шароитига, атроф муҳитга, минтақада яшовчи халқларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатмоғи лозим. Марказий Осиёда ядровий синовларни тўхтатиш, ўта хавфли ядровий чиқиндиларни ерга кўмиб қўйиш ҳолатига барҳам бериш – бу, албатта, минтақадаги экологик вазиятни яхшилашга, бу ерда иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга ва хорижий сармоялар оқимини кўпайтиришга ёрдам бериши муқаррар.

Ниҳоят, **бешинчидан**, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга олиб келади. Шартнома бу ҳудуддаги давлатларни оммавий қирғин воситаларидан нафақат озод қилади, балки уларни қуролланиш пойгасига тортишга қаратилган ҳаракатлардан холи этади. Демак, минтақада ташқи кучлар рақобатига, мамлакатларни бир-бирига қарши қўйишга чек қўяди.

Бугунги кунда халқаро терроризм атом бомбасига эга бўлишга ҳаракат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўша, 1993 йилда буни ҳамма ҳам англай олмаган эди. Аммо бугун, ушбу Шартнома шарофати билан халқаро терроризмнинг оммавий қирғин воситаларини қўлга киритиш йўлида Марказий Осиёдаги имкониятлардан фойдаланишига қарши муҳим тўсиқ яратилмоқда.

Ўзбекистон ўз ташаббусини илгари сурар экан, бу соҳада тўпланган халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда иш юритди. Маълумки, мамлакатимизнинг бу ташаббусигача Ер курраси-да тўртта ядро қуролидан холи ҳудуд мавжуд эди. Булар: Тлателолко Шартномаси асосидаги Лотин Америкасидаги ҳудуд, Раротонга Шартномасига асосланган Жанубий Тинч Океанидаги ҳудуд, Бангкок Шартномасига асосланган Жанубий Шарқий Осиёдаги ҳудуд ва Пелибанда Шартномасига асосланган Африкадаги ҳудуд. Ер ҳудудининг қарийб 70 фоизини қамраб олувчи бу ҳудудларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга ва уларнинг ягона мақсади ядровий қуролнинг тарқалишига чек қўйиш ҳамда ядровий терроризмнинг олдини олишдир.

Ўзбекистон Республикасининг **«Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»**ги Қонуни ушбу тамойил бўйича ана шу мақсадга ҳамоҳанг ва айни пайтда улардан бир қанча ўта муҳим хусусиятлари билан фарқланади.

Марказий Осиё ҳудуди ўз вақтида ядровий қурол заҳиралари бўйича дунёда тўртинчи ўринда турган Қозоғистонни ўз ичига олади. Иккинчидан, минтақада дунёда энг йирик ядровий қурол синаладиган Семипалатинск полигони қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилиб келинди. Шу давр ичида бу жойда жами 458 марта ҳавода, ер усти ва ер остида ядровий портлашлар амалга оширилди. Натижада 300 минг квадрат километрга тенг ҳудуд ифлосланди ва 1,7 миллион аҳолига бевосита зиён етказилди. Учинчидан, Марказий Осиё икки ядровий давлат – Россия ва Хитой билан бевосита чегарадош. Шу билан бирга, минтақамиз "бўсағасидаги давлатлар", деб номланган, яъни ядровий қуролга эга ёки уни ихтиро қилиш арафасидаги давлатлар билан деярли ёнма-ён жойлашган. Бу Шартномага биноан, барпо этилажак ядро қуролидан холи зона Ер куррасининг шимолий ярмида юзага келган биринчи шу каби ҳудуддир.

Таъкидлаш лозимки, мазкур Шартнома барча Марказий Осиё давлатлари беистисно имзо чеккан хавфсизлик масалаларига оид биринчи кўптомонлама ҳужжатдир. Шунинг ўзиёқ Марказий Осиё миқёсида ушбу ёвуз қуролни йўқ қилиш ва унинг тарқалишига қарши қатъий чоралар кўриш нақадар, ядро қуролидан холи дунёга эришиш йўлидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиради, глобал ва минтақавий тинчлик ҳамда хавфсизликни сезиларли даражада мустаҳкамлайди", деб таъкидлади. 2006 йилнинг 6 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси Шартноманинг имзоланишини қўллаб-қувватлаб, махсус резолюция қабул қилди.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Мухаметшин ўз давлати номидан минтақанинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишини қўллаб-қувватлаб, бу ҳодиса Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон майдонидаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири, деб таъкидлади. АҚШнинг Монтерей халқаро тадқиқотлар институти ядровий қуролни тарқатмасликни тадқиқ қилиш маркази директори, профессор У.Поттернинг фикрича, «ушбу ҳужжат халқаро ҳамжамиятнинг ядровий қурол тарқалишининг олдини олишга ва ядровий террорчиликка қарши қаратилган саъй-ҳаракатларини мустаҳкамлайди. Мазкур шартномага имзо чекилгани Марказий Осиё давлатларини минтақавий муаммоларни ҳал қилиш йўлида ҳамкорлик қилиш қобилиятига эга эканлигининг ёрқин далолатидир».

Сенатимиз ялпи мажлисида ушбу масала кўриб чиқилганидан фойдаланиб, биз барча ядро қуролига расман эга бўлган давлатлар Шартнома Баённомасига тез кунда қўшиладилар, деган умидни билдирамиз ва ядровий бешлик мамлакатлар парламентарийлари ушбу жараёнга ўз улушларини қўшишларига даъват этамиз.

Ушбу қонун бўйича Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар, Адлия, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ўз ижобий фикрларини тақдим этдилар.

Хуллас, **«Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ватанимиз манфаатларига тўла жавоб беради, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни ҳамда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

Тайинланди

Файзиев Хайриддин Сирожиддинович, I-даражали адлия маслаҳатчиси, 2007 йил 5 апрелда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи лавозимига

Файзиев Хайриддин Сирожиддинович 1958 йил 20 сентябрда Самарқанд вилояти Хатирчи туманида туғилган. Маълумоти олий, 1985 йилда Самарқанд Давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Адлия тизимидаги фаолиятини 1994 йилдан Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг катта маслаҳатчиси сифатида бошлаб, бошқарма бошлиғи ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

2002-2007 йилларда Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган. «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Muloqot

ЖАВОБГАРЛИК БОР

— Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчига жавобгарликка тортиладими?

Г.АЛИМОВА,
Бухоро вилояти

— Ҳа, бу хусусда Фуқаролик кодексининг 333-моддасида айтиб ўтилган бўлиб, қарздор айби билан бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 32-моддаси 2-қисмида жавобгарлик белгиланган ва шу асосда товарлар етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган) бўлса, ҳамда сотиб олувчи (буюртмачи) тўловни кечиктирганлик учун айбдор бўлса, жавобгарликка тортилиши мумкин.

НАФАҚА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

— Турмуш ўртоғим иш вақтида жароҳат олиб, кейинчалик вафот этди. Энди мен унга ижтимоий таъминот идораси томонидан белгиланган нафақани олишим мумкинми? Бунинг учун иш стажи талаб қилинмайдими?

С.ХУДОЁРОВА,
Қўқон шаҳри

— Ижтимоий таъминот идорасига бориб боқувчисини йўқотган сифатида нафақа олишингиз мумкин.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, меҳнатда майибланган ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек, марҳум пенсионернинг оиласига пенсия, боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унинг ногиронлик пенсияси тайинлаши учун зарур иш стажига эга бўлган бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 17-моддаси 1-қисмида мувофиқ, меҳнатдан майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар белгиланади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида хорижий шериклар билан ҳамкорликнинг афзалликларига алоҳида тўхталиб, бу борада имкон қадар кўп қулайликлар яратиш кераклигини таъкидлади.

Dakki

Қарздорлик

Самарқанд шаҳрида «Мароканд-Силк» Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Қўшма корхона фаолияти қишлоқ туманлари пиллакорлари етиштирган хомашёни қабул қилиб қайта ишлашга йўналтирилган.

Ўтган йилнинг 19 апрель куни ушбу қўшма корхона ва «Пахтачи Пилла» масъулияти чекланган жамият ўртасида 2-сонли шартнома имзоланган. Унга кўра бир килограмм пилла 4 минг 200 сўм қилиб белгиланган. Хуллас, жами бўлиб 84 миллион сўмлиқ, яъни 20 минг килограмм пиллага шартнома расмийлаштирилган. Қўшма корхона 21 апрель куни 88-сонли тўлов топшириқномасига асосан жамият ҳисоб рақамига 65 миллион сўм бўнак тушириб беради. Шартнома шартига кўра банк тўлови амалга оширилган бўлсада, масъулияти чекланган жамият қўшма корхонага шартномадаги маҳсулотнинг 13 минг 68 килограммини етказиб бериб, қолган қисмига қарз бўлиб қолади. Оқибатда жамиятнинг қўшма корхона олдида бўнак тўловидан 10 миллион 113 минг 980 сўм қарздорлиги юзага келади.

Гап шундаки, қўшма корхона жамият ҳисоб рақамига ўтказиб берган бўнак тўловини «Пахтабанк»нинг Самарқанд шаҳар филиалидан йиллик 18 фоиз тўлов шарти билан олган кредит маблағи ҳисобидан берган эди. Табиийки, бўнак тўловидан қарздорлик юзага келгач, қўшма корхона банк олдида мақсадли кредит маблағини қайтаришда қийин вазиятга тушиб қолади. Фуқаролик кодексининг 324-моддасида қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартлиги, 327-моддасида эса бошқа шахсларнинг пул маблағларини қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш натижасида фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши, фоиз миқдори кредитор жойлашган жойдаги банк фоизи ставкаси билан белгиланиши кўрсатилган.

Жамиятнинг қўшма корхона олдида пул маблағлари ҳисобидан кредитор қарзи 10 миллион 113 минг 980 сўм бўлгач, етказилган моддий зарари фоиз ҳисобидан 606 минг 840 сўмни ташкил этади. Масаланинг яна бир томони мажбурият лозим даражада бажарилмагач, зарарни қоплаш қарздорни мажбуриятни уддалашдан озод қилмайди. Бу амалдаги Фуқаролик кодексининг 330-моддасида аниқ ёзиб қўйилган.

Вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига қўшма корхона манфаатини кўзлаб «Пахтачи Пилла» МЧЖдан 606 минг 840 сўм етказилган моддий зарарни ундириш ҳамда шартнома мажбуриятларини асл ҳолида бажариш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат қилди. Бундан ташқари шартномада белгиланган маҳсулотни тўлиқ етказиб бермасдан шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ва тўлов интизомини бузгани учун жамият раиси Б.Қувондиқовни маъмурий жавобгарликка тортиш ва масаласини кўриб чиқиш тўғрисида хўжалик судига таклиф киритди.

Вилоят хўжалик суди жавобгар ҳисобидан қўшма корхона фойдасига 606 минг 840 сўм зарарни ундиришга ҳал қилув қарорини чиқарди. Шунингдек, бўнак пулига мутаносиб равишда етказиб берилмаган пиллани 2007 йил ҳосилидан топшириш мажбуриятини юклади. Жамият раиси Б.Қувондиқов маъмурий жаримага тортилди.

Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар тўлиқ шаклланган қонунларга асосланади. Жумладан, шартнома қонунчилиги бу борада асосий мезон. Юқоридаги ҳолатда ҳам шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги адлия бошқармасининг аралашуви билан суд тартибида ечим топди. Зарар ундирилди, етказиб берилмаган маҳсулот янги ҳосил ҳисобидан қопланадиган бўлди. Ҳаттоки шартнома мажбуриятини бажармагани, тўлов интизомини бузгани учун жамият рахбарига нисбатан маъмурий жарима қўлланилди. Шу билан икки хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги низо барҳам топган кўринади. Бироқ...

Кишини мулоҳаза юритишга ундайдиган бошқа бир жиҳат бор. Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий ютуқлар юқорида тилга олинган йиғилишда Президентимиз томонидан таърифлаб берилди ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Бу шубҳасиз шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарода муваффақиятларга кўпроқ ҳисса қўшиш туйғусини уйғотади. Агар «Пахтачи Пилла» МЧЖ шартномада кўрсатилган миқдорда маҳсулот етказиб бериб, шартнома шартларини ўз вақтида бажарганида эди, қўшма корхонага қулайлик бўлар ва ўз навбатида иқтисодиётимизга маълум маънода наф келтирган бўларди.

Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,
ҳуқуқшунос,
Ҳамид ЭГАМ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Oramizdagi odamlar

Баҳор сийлайди ва синайди

— дейди беруниийлик фермер Жобберган Жуманиёзов



Беруний Қорақалпоғистоннинг Амударё бўйида жойлашган туманларидан. Соҳилбўйи одамларига хос бўлган кенгфеъллик ва дарёдек жўшқинлик уларнинг энг яхши фазилатларидан биридир.

Ҳар гал Беруниийга борганимда, Султон Увайс зиёратида бўлишга, Мунажот тоғига кўтарилиб ҳазрат нидоларига ҳамоҳанг элга тинчлик, қутбарака тилашга ошиқаман. Айтишларича, Султон Увайс ҳазратлари қиёматга қадар одамларга яратгандан шафоат сўрар экан. Мен ҳам бошқа минглаб элдошларим қатори ҳазрат зиёратидан қувват оламан.

Навбатдаги зиёратдан қайтаётиб, туман ҳокимлигига кирдим. Ҳокимнинг қабул куни экан. Рахбарга мурожаат қилувчиларнинг аксарияти янги фермерлар бўлиб, улар фаолиятларини йўлга қўйиш юзасидан таклиф, маслаҳат сўрашади, ўз истак ва муаммоларини билдиришади. Уларнинг фикрларини тинглаб, менда Берунийда фермерлик ҳаракати, ислоҳотларнинг бориши ҳақида мақола ёзиш истаги туғилди. Бу хусусда туман ҳокими Тоҳир Самандаров билан маслаҳатлашдим.

— Туманимиз аҳолисининг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан. Асосан пахтачилик билан шуғулланамиз. Ерларнинг кучли шўрлангани ва бошқа экологик муаммолар деҳқонларимизни ҳар йили масъулиятли синовдан ўтказади. Бизнинг шароитда мўл ҳосил етиштириш учун қишин-ёзин тиним билмай ишлашга тўғри келади, — дейди туман ҳокими. — Кузда ҳосилдан бўшаган ер майдонлари чуқур шудгор қилинади, ҳайдалади, текисланади. Қишда маҳаллий ўғит жамғарилади. Айни кунларда туманимиз фермерлари ерларнинг шўрини ювишмоқда. Шўри яхши ювилмаган ерга чигит қадаб, мўл ҳосилдан умидвор бўлиш, осмондан чалпак ёғишини кутишдек гап. Маълумки, бизда барча экин майдонлари насос орқали суғорилади. Электр энергия сарфи, насос учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа харажатлар маҳсулот таннархини оширади. Буни яхши англаган деҳқонларимиз, ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига моддий манфаатдорликка эришиш ҳаракатида бўлишади.

Тўғри, ўтган йили туманда давлатга пахта сотиш шартномавий режаси бажарилмай қолди. Туман мутасаддилари буни ўтган йили асосан 2 та ширкат хўжалиги ва бошқа 20 та корхона-ташкилотлар фойдаланувида бўлган ерларда самарасиз деҳқончилик қилингани оқибати, дея изоҳлайди. Бу йил барча ерлар фермерлар ихтиёрига берилди. Танловларда ер билан ишлашга лаёқатли, ишнинг кўзини биладиган талабгорлар танлаб олинди. Фермер бўлиш ҳавас эмас, энг аввало масъулиятдир. Фермернинг биргина хатоси ёки бирор агротехник тадбирнинг ўқувсизлик билан ўтказилиши ҳосил тақдирини ҳал этиши мумкин. Бунёд этилиши кутилаётган хирмонда фермернинг манфаати баробарида давлатнинг, йил ўн икки ой далаларда тиним билмай ишлаган қора кўзларнинг насибаси бор. Ернинг бўш қолиши, яъни кутилган самарадорликка эришмаслик, бир фермернинг хатоси бўлиши мумкин, аммо оқибатидан элу юрт азият чекади. Фермерликнинг катта масъулияти ана шунда. Фермерлик ҳаракати қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва энг ишончли воситаси экани вақт синовидан ўтиб улгурди.

Буни тумандаги «Иззат Жуманиёзов» фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Фермер хўжалигимиз 2005 йили ташкил этилган. 100 гектар ер майдонида деҳқончилик қиламиз, — дейди хўжалик рахбари Ж.Жуманиёзов. — Ўтган икки йил биз учун муваффақиятли келди. Муваффақиятлар сири, тажрибали деҳқонлар билан тил топишганимизда бўлса керак. Ер шароитини яхши биладиган, аввалари меҳнатининг самарасидан лозим даражада баҳраманд бўлмаган деҳқон, энди меҳнатидан манфаат кўришига ишонган ҳолда ишламоқда.

Жобберган оға Берунийнинг асл тадбиркор йигитларидан. Қишлоқ йигити эмасми, тақдири доим ер, деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Фермер хўжалиги ташкил қилишга уни ундаган ҳам ана шу ерга боғлиқлик бўлди.

Янги иш бошлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аввалига фермер ихтиёридаги ер майдонларининг табиий шароитларини пухта ўрганди. Уста деҳқонлару эл кўпни кўрганлар билан маслаҳатлашди. Бу ишда ҳам унинг тадбиркорлиги қўл келди. Шахсий жамғармаси ҳисобидан зарур техникаларни сотиб олди. Техника деҳқоннинг қаноти, деб бекорга айтишмаган. Жобберган оға ҳам барча қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналарига эга бўлишга ҳаракат қилди. Дастлабки йиллар ҳосилидан олинган даромаднинг асосий қисмини ҳам техника сотиб олишга йўналтирди. Бугунга келиб хўжаликда 3 та Т-4 ва 4 та чопиқ трактори ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча техника воситалари мавжуд.

— Ҳозирда барча ишларни ўз техникаларимиз билан бажарамиз. Ўзингда бўлганига нима етсин. Ўтган йили 100 гектар майдонда пахта етиштирдик, — дейди фермер Жобберган Жуманиёзов. — Шартномавий режамиз 265 тонна эди. Хўжалигимизнинг 47 нафар аъзоси билан оғизбирчиликда иш юритдик. Минерал ўғит, нефть маҳсулотлари ва банк кредити таъминотида узилишлар бўлмади. Барча агротехника тадбирларини вақтида ўтказдик. Қолаверса, ерларимизни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга катта аҳамият бердик. Арзон, фойдали минерал ўғитлардан тўғри фойдаланганимиз ўз самарасини берди. Шартномадагидан 100 тонна зиёд пахта топширишга муваффақ бўлдик.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. Ҳосилдорликни 40 центнерга етказмоқчимиз. Бундай улкан мақсадни кўзлашимизга Президентимиз, давлатимиз томонидан фермерларга яратилаётган шарт-шароит, имкониятлар, илҳом, туртки берди. Айни кунларда экишни бошлаш арафасидамиз. Зарур маҳаллий ўғитни ҳам жамғариб қўйдик. Бошқа ишларни ҳам меъёрида олиб борсак, 400 тонналик марра бизники бўлиши аниқ.

Туман фермерларига тайёрлов, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар елкадош бўлишмоқда. Шартномавий режаларнинг бажарилишида банк кредитларининг вақтида берилиши ҳам муҳим роль ўйнамоқда. «Ғаллабанк»нинг Беруний туман филиали ўтган йили пахта ҳосили учун 268 та фермер хўжалигига 1,14 миллиард сўм, ғалла ҳосили учун 39 та фермер хўжалигига, 12,1 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратган. АТ «Пахтабанк»нинг Беруний туман бўлими томонидан эса 2006 йил пахта ҳосили етиштириш учун 345 та қишлоқ хўжалик корхонасига 1,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилган. Жорий йилда банкнинг ўз ресурс маблағи ҳисобидан 1 та фермер хўжалигига «КЛАСС» компаниясининг «Доминатор-130» комбайни учун 3 йил муддатга 116 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. 4 та фермер хўжалигига мавжуд қишлоқ хўжалик техникалари учун зарур эҳтиёт қисмлар олишга 10 миллион сўмдан, жами 40 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Айни пайтда банк ўзининг 4 та мини банки орқали 454 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти билан 2007 йил пахта ҳосили етиштириш учун шартномалар тузилиб, зарур миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Ж.Жуманиёзовнинг сўзлари билан айтганда, беруниийлик фермерлар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, баҳорнинг сийловини қадрлаб, синовини эътиборга олиб, мўл ҳосил хирмонини кўзлаб меҳнат қилмоқда. Биз ҳам уларга эзгу ниятлар йўлдош бўлишини тилаб қоламиз.

Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Соҳибқирон Амир Темур туғилган кунининг 671 йиллигига

Халқ даҳосининг тимсоли

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Соҳибқирон бешигини тебратган салтанат фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, жуғрофия, меъморчилик, назм, санъат ва тарихнавислик равнақи йўлида жаҳоншумул аҳамият касб этди. Англиялик темуршунос Хилда Хукхэм буни эътироф этиб, *"Бу беқиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа Уйғониш даврига туртки берди ва Европа илм-фани камол топишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди"*, дея таъкидлайди.

Бугунги кунда қудратли давлат сифатида номи тилга олинаётган ер юзидаги кўпдан-кўп мамлакатлар ҳали пайдо бўлмай туриб, Соҳибқирон Амир Темур давлат бошқарувининг мустаҳкам тартиб-қоидаларини яратдики, унинг тузук-низомлари ҳозирги замон давлатчилик сиёсатида ҳам беқиёс қадр-қиммат касб этади. Маълумки, "Темур тузуклари" давлат тузилиши, ички ва ташқи сиёсат, унда адолат тамойиллари устуворлиги, салтанат ва раият, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидадир.

Улуғ ҳукмдор ўзининг аъмолу эътиқодидан келиб чиқиб: – *Нажот Ҳақдадир!* – деб уқтиради.

Соҳибқирон қолдирган бой маънавий-ҳуқуқий мерос ана шу ҳикматга, юксак ахлоқ ва адолат, иймон ва инсонийлик тамойилларига асосланган. Шунинг учун ҳам бу таълимот асрлар оша завол кўрмай яшаб келмоқда ва йўлчи юлдуз бўлиб халқимизга, миллатимизга хизмат қилмоқда.

Замонлар ўтиб, мана шу ҳақиқат унутилди ва оёғи остидан нарини кўра олмаган калтабин хонлар-амирлар даврида яна халқ парокандаликка юз тутди, яна эл-юрт зулм ва истибдод чангалига тушиб қолди.

Мустамлакачилик даврида кўпдан-кўп улуғ аждодларимиз қатори Амир Темурнинг номи ҳам кора қилинди ва у унутишга маҳкум этилди. Фақат мустақиликка эришгач, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан тарихий адолат қайта тикланди.

– Мустақиллик майдонидан ўтиб, Буюк Турон кўчаси орқали Амир Темур хиёбонига чиқиб бордим, – деб ҳикоя қилади Қорақалпоқ халқ ёзувчиси Ўразбой Абдурахмонов. – Соҳибқирон ҳайкали пойида, фавворага бақамти қўйилган ўриндиқда, салқин хиёбонда ўтириб, ўйлаб олиш керак бўлган нарсалар ҳақида хаёл сурдим.

Кейинги йилларда тез-тез шундай ҳолатга тушаман. Йўқ ердан пайдо бўлган кўркам хиёбонлар, муҳташам саройлар, муаззам кўприклар ёхуд янги корхоналарга дуч келсам, ўзимни ҳаётдан орқада қолиб кетаётгандай, одамлар ишни менсиз ҳал этиб ташлаётгандай юрагим орзиқиб кетади.

Янги даврнинг шитоб билан ташлаётган қадамлари мени ҳайратҳаяжонга солади.

Хаёл билан бўлиб, Соҳибқирон ҳайкали бир-биридан чиройли ёшлар қуршовида қолганини сезмабман, мана, улар бобомизнинг пойини гулларга кўмиб ташлашди. Кейин эса, дарёдай оқиб, Амир Темур музейи томон йўл олишди.

Қаранг, шундай кунларга ҳам етиб келдик, а!

Бу – халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлаётганидан далолат эмасми?!

Назаримда, улуғ бобомизнинг тирик нафаси хиёбонда кезиб юргандек...

Ҳа, бу ёшлар билмайди, лекин мен ўз кўзим билан кўрганман. Бир пайтлардан бу ерда Карл Марксннг баҳайбат тошкалласи қўнқайиб турар эди. Одамлар бу ерга зиёрат ёки истироҳат учун эмас, балки толиқиб ишдан чиққач, ичиш, пивохўрлик қилиш учун келарди. Инқилоб хиёбонида кечки пайт маст-аласт, қаланғи-қасанғи пиёнисталар изғиб юрарди, лекин биз ўша вақтда, бу – маънавий емирилиш ифодаси эканини чуқур англаб етган эмасмиз.

Истиқлолдан кейин пойтахтга йўлим тушганида, кўзда тутган ишлар битгач, олтинчи заводнинг пивосидан татиб кетайлик, деган илинжда марказга келдим, қарасам, ҳамма ёқ бузиб ташланган, қаҳвахона ўрнидан чанг чиқиб ётибди.

– Тавба-а! – дедим ҳайрон бўлиб, кейин: – Бу нима қилганларинг? – деб сўрадим бир ишчидан.

– Бу жой хиёбон бўлади, – деди у. – Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳайкали қўйилади!

Шунда мен: "Туппа-тузук қаҳвахона бор эди, ҳайкал бор эди, шуни бузиб, янги хиёбон барпо этгунча, шу маблағга бошқа бир хиёбон бунёд қилинса, яхши бўлмасмиди?" – деган ўйга бордим.

Бугун эса, Марказий хиёбонда, нафис ва кўркам фавворалар салқинида ўтириб, теран бир ҳикматни англаб етдим. Аслида, Инқилоб хиёбонига қўшиб, ўшанда яқин ўтмиш сиёсати, унинг назариётчисининг тошкалласи ва ўша пастқам қаҳвахоналар – маънавий инқироз, иймонсизлик, эътиқодсизлик – барча-барчаси бир четга итқитиб ташланган экан!

Амир Темур номини олган файзли, фариштали Марказий хиёбонга ҳозир йўлингиз тушса, кўнглингиз яйрайди, руҳингиз таскин ва ҳаловат топади.

Гижинглаган тулпор устида тождор бобомиз озодликнинг, миллатпарварликнинг ва эрку адолатнинг тимсоли янглиғ бошини баланд кўтариб, қад ростлаб турибди. Ўнг қўлини адл кўтариб: **"Шошилма,** – деб ишорат қилаётир. – **Ўйлаб кўрдингми ҳеч: ўзинг ким, отанг ким, сен кимнинг авлодисан?**

Киндик қонинг томган юртни танидингми, унинг илдизларини, қутлуғ иймонни, меҳр ва оқибатни, шафқат ва мурувватни биласанми?

Билсанг, нега мен ҳамон жанговар тулпор устидаман? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми ҳеч? Озодлик маъсум гўдак каби ҳамиша ҳимояга муҳтож! Шуни англаб етдингми?!

Хўш, нега мен жиловни тортиб турибман? Бошимдаги тож сен учун нимани англатади? Халқнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир, деган ўгитни, биз шаънини ҳимоя қилган, шавкатини етти иқлимга ёйган муборак Ватанни юракка жойлаганмисан?.."

Беихтиёр Президент Ислом Каримовнинг **"Ободлик кўнгилдан бошланади",** деган оқилона фикри хаёлдан ўтади. Зеро, улуғ аждодларимиз шаънига кўрсатилаётган чексиз ҳурмат ва эҳтиром халқимиз азал-азалдан илму маърифат ва инсоний комилликни ғоятда қадрлаб келганининг амалий ифодасидир.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол даврида яқин ўтмиш оёқости қилинган бебаҳо тарихимиз, қадимий шаҳарларимиз ва юзлаб осори атиқаларнинг азалий жозибаси қайта тикланди. Ўтган қисқа вақт ичида шундай кўламли эзгу ишлар амалга оширилдики, ҳатто ишонгинг келмайди.

Мана шулар ҳақида ўйласам, беихтиёр тарихий бир воқеа хаёлдан ўтади. 1219 йили босқинчи Чингиз қўшинлари Банокат шаҳрини қамал этиб, уч кун давомида ҳужум қилади, лекин қаршиликни енга олмайди. Ахийри ғазабга минган золим катта куч билан истеҳкомни ёриб киради ва аҳолини қиличдан ўтказиб, шаҳарни қултепага айлантиради. Унинг вайроналари бир ярим аср мобайнида юракларга ваҳм ва қўрқув, ҳаросат солиб туради. Ниҳоят, Соҳибқирон Амир Темур эл-юртни босқинчилар зулмидан озод қилгач, ўлик қалъа ўрнида обод ва маъмур шаҳар бунёд этади...

Ватанга муҳаббат туйғуси мана шундай бунёдкор қудратга эга. Шу ўринда буюк фотиҳ Наполеоннинг қуйидаги фикри хаёлдан ўтади: **"Биласизми, бу дунёда нима мени ҳаммадан кўп ҳайратга солади?**

Дунёни ларзага соладиган иккита қудратли куч бор – қилич билан ақл-заковат.

Курол ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, яратувчилик ишига қодир эмас! Мана шунинг оқибатида ақл-идрок доимо тантана қилади".

Ислом ҲАМРО,
Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА

Маълумки, Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган кучли давлат бошқарув асослари барча миллат ва элатларнинг ривож топишига катта имкониятлар яратган. Сиёсий ҳаёт мезонини диний мафкура белгиланган ўша ўрта асрларда миллатлар равнақига хизмат қилган Амир Темурнинг буюк давлатчилик анъаналари бутун жаҳон тараққиётига жуда кучли ижобий таъсир кўрсатган. Соҳибқирон бобомизнинг ҳуқуқий меросига назар ташлаганда, биринчи галда, ана шу буюк давлатчилик анъаналари эътиборимизни тортади.

Адолат – буюк давлатчилик асоси

Соҳибқирон Амир Темур ҳуқуқий меросига бир назар

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг марказлашган давлатини барпо этишда мусулмон дунёсида шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларга асосланади. У шаҳар ва қишлоқларда тартиб-интизом ўрнатди, қонунчиликни барқарор қилди. Соҳибқирон ўзининг «Тузуклари»да шундай ёзади: **«Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».**

Амир Темур давлатида асосий қонун вазифасини бажарган мусулмон ҳуқуқи Ислом таълимотига асосланган. Мусулмон ҳуқуқшунослари Қуръони карим суралари билан бирга минглаб ҳадисларни ёддан билишган. Шариат диний меъёрлар билан бирга мусулмоннинг кундалик турмушида содир этадиган хатти-ҳаракатларини тартибга соладиган қоидаларни ўзида мужассамлаштирган. Мовароуннаҳр шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкентда мусулмон дунёсида машҳур мутафаккирлар Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғиноний яшаб ижод қилганлар. Уларнинг асарларида Қуръон тафсири билан бирга мусулмон ҳуқуқи шарҳи берилган. Диний мактаб ва мадрасаларда ҳуқуқ илмининг илм ал-фиқҳ, ат-тафсир, илм ал-ҳадис, илм ал-калом, илм ал-фарз, илм ал-усул фиқҳ ва бошқа соҳалари ўқитилган. Демак, Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ҳуқуқ илмининг мазкур соҳалари янада ривожланган.

Амир Темур шариатни ҳуқуқий тизим сифатида қабул қилиш билан чекланмасдан, ўзининг тамойиллари, қоидалари, «Тузуклари»ни ҳам ишлаб чиқади. Ўзи айтганидек, интизом ва қонунчилик унинг ҳаётида, давлатида асосий адолатли тамойил бўлиб хизмат қилган. Ҳокимият масаласи, давлатни бошқариш санъати шу даражада жиддий ва мустаҳкам ўрнатилганки, ҳар ким ўз вазифаси ва ўрнини билиб иш юритган.

У қонунларга риоя қилишга шу қадар жиддий қараганки, қонунни бузганлиги учун энг юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазога буюрган. Унинг қонун устуворлигига эришиши мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатилишига олиб келган эди.

Мамлакатни бошқаришда Амир Темур ўн икки бошқарув тамойилини жорий этган.

Чунончи, давлат бошлиғининг сўзи ва амалдаги иши бир бўлиши, у адолатпеша бўлиши лозимлиги, ҳукмдор ҳар ишда ўзи ҳукм чиқариши, бу ишда биров шерик бўлишга журъат этмаслиги, шунингдек, у ўз қарорида қатъий бўлиши; салтанат ишида ҳар доим оқиллар сўзини, маслаҳатини эшитиб, зарур бўлганда фойдалиларини қўллаши кераклиги ана шу тамойилларда ўз аксини топган эди.

Давлатни бошқариш кенгаши тузилиб, унинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгиланган эди. Кенгашда мамлакат аҳволига оид сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалалар кўрилган.

Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларидан бирида куюниб шундай деб таъкидлаганди: **«Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда – АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар, яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз».** Дарҳақиқат, истиқлолимиз шарофати билан тарихий ҳақиқат тикланди — буюк Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёти, фаолияти ҳар тарафлама ўрганилаётир, қутлуғ саналари халқаро миқёсда нишонланаётир ва бундан биз чексиз фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиз. Бугунги кунда кўҳна Туркистон замини бир илдиздан кўкариб, бешта йирик шохи умумий танада бирлашган азамат чинор кўринишидаги рамз билан ифодаланади. Менимча, замингa мустаҳкам ўрнашган илдизлар – бу кўҳна тарихимиздир. Тарихимизни пухта ўрганибгина, буюк келажакка эришиш мумкин. Не бахтки, буюк тарихимизнинг, халқимиз даҳосининг тимсоли Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг жаҳон тарихидаги ўрни эндиликда кенг эътироф этилаётир, тарғиб қилинаётир.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,
Зулфия ХУЖАЕВА

Jahon tajribasi

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

уларга ривожланган мамлакатларда қандай амал қилинади?

Маълумки, қонуности ҳужжатларига ижро ҳокимияти ва давлат бошқарув идоралари томонидан қабул қилинадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қаралади. Хўш, бу борада хорижий мамлакатларнинг тажрибаси қандай? Бугунги мақоламизда шу ҳақда фикр юритамиз.

Ривожланган демократик давлатларда ижро ҳокимияти идоралари норматив ва норматив характерга эга бўлмаган (фармонлар, ордонанслар, декретлар, фармойишлар, қарорлар, буйруқлар ва ҳоказо) қонуности ҳужжатларини қабул қиладилар. Меъёрий ҳужжатлар иерархиясида улар давлат бошлиғи томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларга нисбатан анча қуйи поғонада бўлиб, баъзи ривожланган давлатларда ижро ҳокимияти (кўпгина давлатларда ҳукумат кенгаши эмас, балки фақатгина вазирлар) ўз номидан ёки Президент ёхуд монарх томонидан расмийлаштириладиган декрет-қонунлар шаклида қабул қилиниши мумкин. Кўпгина президентлик республикаларида вазирлар кенгаши мавжуд бўлса ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат бошлиғи номидан чиқарилади. Мисол учун, Италияда ҳар йили 10 та декрет-қонунлар қабул қилинади. Ҳокимият бошқарувининг турли шаклларида, муайяна шартларга риоя қилган ҳолда қонун кучига эга бўлган вақтинчалик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ҳам мумкин.

Буюк Британияда Парламент қонунлари ижросини таъминлаш мақсадида ижро ҳокимияти меъёрий ҳужжатлар қабул қилади. Бироқ ушбу ҳужжатлар ҳукуматнинг ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг ҳам номидан эмас, балки алоҳида вазирликлар номидан қабул қилинади. Бундан ташқари, Парламент уларга қонун кучига эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатини ҳам бериши мумкин. Улар вазирликларнинг ҳужжатлари сифатида расмийлаштирилади. Бироқ ушбу ҳужжатлар Парламентнинг назоратида бўлиб, унга тақдим этилиши («Парламент столига қўйилиши») лозим.

Францияда Буюк Британиядан фарқли равишда ҳукумат томонидан қабул қилинадиган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Президент томонидан имзоланади. Ҳукуматни тартибга солувчи фаолиятни амалга оширишда қабул қилинадиган ҳужжатлар – ордонанслар, ижро ҳокимиятини амалга ошириш фаолиятида чиқарадиган ҳужжатлари эса — декретлар деб номланади.

Демак ижро ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар бир давлатнинг бошқарув ва тузилиш шаклидан келиб чиқади. Юқорида биз кўриб ўтган давлатларнинг бошқарув шакли бир-биридан фарқ қилса ҳам, лекин моҳиятан улар муайян бир қонун ёки қонун кучига эга бўлган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилгандир.

Собир АЛИШАЕВ,
Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

Jinoyat va jazo

«Доля»

ёки

товламачилик йўли билан 21 миллион 628 минг 570 сўм маблағни қўлга киритган фирибгар хусусида

Фельетон ўрнида

Бундан бир неча йил муқаддам Расул Авазов Сурхондарё вилояти «Нефтбаза» шўъба корхонасининг Термиз шаҳар бўлимида назоратчи лавозимида ишларди. Бундайроқ айтадиган бўлсак, мансаби ўзига яраша, кўп қатори шу корхонадан ризқ-насибасини териб юрарди. Ахир, кимсан назоратчи. Ёқилғи қуйиш шохобчасида унинг қораси кўринса, ундай-бундай ёқилғи қуйиш корхонасининг хўжайинлари уни қўш-қўллаб кутиб, кузатишар, хуллас, Расул Авазовнинг пичоғи ҳамиша қуйруқ кесарди. Бироқ Авазовнинг дилидаги ўзгаларга ҳавас ҳиссини бора-бора ҳасад эгаллади. Кўрпадан бурга излади. Вилоят «Нефтебаза» шўъба корхонаси фаолиятидаги «камчилик»лар, йўл қўйилаётган баъзи «нуқсон»лар тўғрироғи, корхона фаолиятига қинғирлик билан қараб, корхона устидан республиканинг ҳуқуқ-тартибот органларига кетмакет шикоятлар ёзди. Унинг ёзган шикоятлари ортидан бир неча бор нуфузли комиссиялар келиб текшир-текшир ўтказишди. Ўнлаб тинчгина яшаб юрган инсонларнинг ҳаловати бузилди. Лекин муаллиф иштирокида ўтказилган текширувларда унинг аризасида келтирган важлар, далиллар ўз исботини топмади. Шундан сўнг у ўз вазифасидан озод этилди.

Ишидан айрилган назоратчи бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, унинг ҳасади кундан-кунга ўчкунга сепилган мойдек гулханга айланиб борди. Яна ўзи ишлаган корхона устидан пойтахтдаги нуфузли вазирликлар, ҳуқуқ-тартибот идораларига туҳматдан иборат шикоятлар ёзишни авжига чиқарди. Мулланинг ёмони варақачи, одамнинг ёмони қароқчи бўлади. Расул Авазов ана шу тоифа инсонлар сафидан «мустаҳкам ўрин» эгаллади. Пул топишнинг ўзича аниқ, пишиқ йўлларини шундай режалаштириб бордики, унинг баъзи қилган ишларини кўриб қойил ҳам қоласан, киши. Авазов ёзёзлардан иш чиқавермагач, ўзига маъкул бўлган бир йўлни танлади. Яъни у турли лавозимдаги АЁҚШ ходимларидан «агар ҳар ой менга тегишли «доля» — яъни улушни бермасанг, устингдан юқорига ёзаман, ҳолингга маймунлар йиғлайди», дея қўрқитиш йўли билан, улардан ўзи белгилаган миқдорда улуш олишга ўтди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

«Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 4-моддаси.

Islohat odimlari

Одил судлов такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда, барча соҳаларда бўлгани каби, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, суд тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга оширишдан иборатдир. Мазкур вазифаларнинг долзарблиги эътиборга олиниб, 2000 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони қабул қилинди. **«Судлар тўғрисида»**ги қонунга асосан қабул қилинган Фармонда, 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилиши кўрсатилганди. Фармон иловасида судларнинг тузилиши ва штат бирликлари сони тасдиқланган.

Судларнинг ихтисослашуви суд ишларини ўз вақтида холисона ва адолатли кўриб чиқиш имкониятини яратди. Фуқаролик ва Жиноят ишлари бўйича вилоят судлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқаётган бўлса, туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлар ўз ваколатига тааллуқли фуқаролик ишларини кўради. Туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судларга жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вазифаси юкланган.

Янги таҳрирдаги **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг 13-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўриши, ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкинлиги, апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги белгиланган.

Мамлакатимиз Президентининг Фармонида Ўзбекистон Республикаси Олий судига фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг, шунингдек, ҳарбий судларнинг устидан суд назоратини амалга ошириши кўрсатилган. Фармон қабул қилинган йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд билан ҳамкорликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка, мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда, ўзгариш ва қўшимчалар киритди. Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон халқаро экспертлар ва жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Тажрибанинг муҳим жиҳатларига қизиқувчи давлатлар сафи ҳам кенгайди.

Маълумки, суд ишларининг пухта ва адолатли кўриб чиқилиши вақт ва меҳнат талаб этадиган жараёндир. Эътиборга молик жиҳати, ихтисослашувнинг бундай шакли айнан суд ишларининг сифатини оширди. Мамлакатимиз Президентининг Фармони одил судловни амалга оширишнинг кенг кўламли йўналишларини белгилаб бергани билан ҳам аҳамиятлидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг яна бир кўриниши сифатида ҳаётга татбиқ этилган бу каби ислоҳотлар инсонпарвар демократик жамият пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тоҳир САИДБОБОЕВ,
Шуҳрат ИСМАИЛОВ,
Адлия вазирлигининг ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 31 мартдан 6 апрель ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. **"Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/4-сонли қарори.*

2007 йил 31 мартда 773-23-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 10 апрелдан кучга киради).

2. "Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 14 мартдаги 31, 2007-25-сонли қарори.*

2007 йил 31 мартда 1107-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 10 апрелдан кучга киради).

3. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги 2-5/21, 34, EG-01/10-1702, 01-02/8-10 -сонли қарори.*

2007 йил 31 мартда 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 10 апрелдан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг "Ўзбекистон Республикасида даволаш-профилактика жойларида шифобахш озиқ-овқатларни ташкиллаштириш тўғрисида" 1993 йил 19 мартдаги 122-сон ва "Республика аҳолисига кўрсатиладиган бепул тиббий-санитария хизматлар турлари Рўйхатини тасдиқлаш ҳақида"ги 1999 йил 11 январдаги 9-сонли буйруқлари.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

ЭЪЛОН!

Наманган вилоят адлия бошқармаси Косонсой ва Тўрақўрғон туман давлат нотариал идоралар нотариуслари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёки уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Наманган вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун телефон: (8-369) 226-65-73.

ЭЪЛОН!

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси хузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 28 март кунги қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «Аср ҳимояси» адвокатлик фирмасининг раҳбари Шарипов Зафар Аминжонович номига Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 30 апрель куни берилган SA 000323 рақамли адвокатлик фаолияти 3 ойга тўхтатилди ҳамда «Боғишамол» адвокатлар ҳайъатининг адвокати Муминов Қудрат Рахмонович номига Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 2003 йил 23 июнь куни берилган SA 000470 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати номуайян муддатга тўхтатилди.

Faoliyat

Фуқаролик ҳолати далолатномалари

ҳуқуқларимизни тиклашга ёрдам беради

Баъзи юртдошларимиз фуқаролик ҳолатларини қайд этиш муассасаларига туғилган жойи ёки йили ҳақидаги ёзувларда йўл қўйилган чалкашлик ва ноаниқликларни бартараф этиш, ўз шахси ва насл-насабини тасдиқловчи ҳужжатларни қайта расмийлаштириш учун мурожаат этишади. Хўш, бундай ҳолатларда фуқароларга қонун қандай кўмак беради?

Маълумки, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари ариза берувчининг яшаш жойидаги ФҲДЁ органлари томонидан тикланади. Исм ва насл-насабни белгилаш билан бирга, турли сабабларга кўра йўқолиб кетган ёки яроқсиз ҳолга келган фуқаролик ҳолатлари далолатномалари ёзувларини қайта тиклаш ишлари ҳам суд тартиби истисно этиладиган ҳолларда ушбу органлар орқали амалга оширилади. **«Оила кодекси»**нинг 230-моддасига мувофиқ тегишли ёзув мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи далиллар асосида қайта тикланади. Туғилиш, никоҳ ёки никоҳни бекор қилиш ҳақида далолатнома ёзувлари ушбу ёзувлар кимга нисбатан расмийлаштирилган бўлса, уларнинг доимий яшаш жойларидаги ФҲДЁ бўлимларига берилган аризасига биноан амалга оширилади. Вафот этган кишиларга нисбатан қаратилган ёзувлар суднинг ҳал қилув қарори асосида ҳал этилади. Боланинг туғилганлиги ҳақидаги ёзув йўқолган тақдирда, бу ҳақдаги далолатнома ёзуви боланинг ота-онаси, васийси ёки ҳомийси ёхуд болалар муассасаси маъмуриятининг аризасига мувофиқ расмийлаштирилади. Башарти, далолатнома ёзувини тиклашдан манфаатдор тарафлар ўртасида келишмовчилик ёки англашмовчиликлар юз берса, ёзув **«Фуқаролик кодекси»**да белгиланган қоидага биноан ҳал этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ФҲДЁ органлари томонидан кейинги икки йил ичида 98 нафар фуқароларнинг туғилиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш ҳақидаги далолатнома ёзувлари тикланди. Бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб бораётганлиги, истиқлол шарофати билан фуқароларнинг шахси, насл-насаби, қадр-қиммати, эъзозланаётганлиги ва бу соҳада ўтмишда йўл қўйиб келинган хатолар изчил бартараф этилаётганлигидан далолат бермоқда.

Жамиятда фуқаронинг туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжат қилиб ахамияти жуда катта. Мисол учун тўрткўллик фуқаро туғилганликка оид ҳуқуқий ҳужжати, йўқлиги уни кўп ҳолларда қийин вазиятларга дучор бўлиб келаётганлиги ҳақида туман ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилди. Аммо унинг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви топилмади. Бундай ҳужжат нусхаси Қорақалпоғистон Республикаси паспорти, ҳарбий билети нусхалари, яқин қариндошлари ва фарзандлари туғилганлигига оид далолатнома ёзувларидан кўчирмаларни тақдим этиш сўралди. Айни пайтда ушбу фуқаронинг туғилганлигига оид далолатнома ёзувлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида қўшни туманлар ФҲДЁ бўлимларидан ҳам маълумотномалар олинди. Хуллас, ушбу шахснинг талаби қонун йўли билан ҳал этилди.

Агар ФҲДЁ органи икки ва ундан ортиқ бир хил далолатнома ёзувлари қайд этилганини аниқласа, у ҳолда тикланган ёзувларни бекор қилиши зарур. Мабодо, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларида фамилия, исм, отасининг исми, туғилган санаси, ота-онаси тўғрисидаги маълумотларда жиддий тафовутларга дуч келинса, ушбу ёзувлар суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилинади.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини қайта тиклаш ёки уни бекор қилиш тартиби **«Оила кодекси»**нинг 50-моддасида, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелда қабул қилган **«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари тўғрисида»**ги 171-сонли қарорининг 8-12-бобларида, Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2000 йил 5 июндаги 25-сонли қарори билан тасдиқланган **«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида иш юритиш тартиби»** ҳақидаги Йўриқномада аниқ-равшан белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай экан, ушбу масаланинг қонуний ечимини билиш ва унга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жайрон АБАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг бош маслаҳатчиси,
Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jinoyat va jazo

«Доля»

ёки

товламачилик йўли билан 21 миллион 628 минг 570 сўмлик маблағни қўлга киритган фирибгар хусусида

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Фельетон ўрнида

Энг қизиғи, у яшаётган хонадон текширувдан ўтказилганда, бир неча йиллар давомида турли мансабдорлардан олинган ҳаром пулларни йилма-йил ҳисобга олиб бориш, тўғрироғи, ўзича бухгалтерия, борингки, «баланс» ҳисоблари тутилган махсус дафтар топилди. 2000 йилдан бошлаб «устингдан ёзаман» қабилида иш тутган қаҳрамонимиз, ҳар йили олинган пулларнинг ўтган йилга нисбатан қандай, қанча миқдорда ўсиб бораётганлигини жамлаб, солиштириб борган. Масалан, ўша «бухгалтерия» дафтарида шундай ёзувлар бор: «2001 йил давомида олинган пул 2 миллион 407 минг 195 сўм. Демак, 2000 йилга нисбатан 841 минг ўсиш сурати билан кўпдир», деб имзо чекилган. Расул Авазов ўзи юритган ҳисоб дафтарида кимдан, қанча миқдорда пул олганини алоҳида, аниқ саналари билан ёзиб борган.

Баҳодир Нурмаматов 2002 йилдан буён «Термиз нефтбаза» унитар корхонасида катта тақсимотчи вазифасида ишлаб келарди. 2005 йилнинг айни қирчиллама қиш кунлари унинг ҳузурига Расул Авазов қовоқ-тумшуғини солганича кириб келди:

— Сен, бола мени биласан-а. Мана, уч йилдан буён шу корхонада бош тақсимотчи вазифасида ишлаб келаяпсан. Камчиликларинг етарли. Агар устингдан шикоят ёзсам, ишингдан ажралиб қолишинг турган гап. Шу сабаб менга қарашиб турасан, тушундингми?

Осмондан тушган қутилмаган дағдағадан Баҳодир ҳам хавотирланиб қолади ва нима қилиши кераклигини сўрайди.

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг. — Паст келмайди Авазов. — Гапни оёғингдан эмас, қулоғинг билан эшитаркансан. Бу тарафинг дуруст. Менга ҳар ойда 50 минг сўмдан пул ва 20 литр бензин «доля» бериб турсанг, шикоятлар гулдур-гуп бўлади. Тинчгина ишлайверасан. Бўлмаса, оёғинг тагини тиконга тўлдираман.

Баҳодир Нурмаматов ўзбекона андишаларга амал қилиб, ёмон билан талашсанг қадринг кетар, дея иш тутмоқни афзал билди. 2005 йилнинг февраль ойидан то ноябрь ойигача товламачи талаб этган «доля»ни бошидан садақа қилди. Охири, ҳа, деб узат-узатга чидай олмаган бош тақсимотчи акамиз, ёмон этагингни йиртса, этагингни кесиб қоч, қабилида иш тутишга жазм этди. 2005 йилнинг декабрь ойидан фирибгарга «доля» бермай қўйди. Бундан дарғазаб бўлган Расул Авазов уч ой давомида унинг уяли телефонига қўнғироқ қилиб, агар у айтган пулни ва бензинни бермаса юқори ташкилотларга устидан шикоят ёзиб ишдан ҳайдатишини рўкач қилиб, товламачилик қилишда давом этди. 2006 йилнинг 14 март куни бош тақсимотчи Баҳодир Нурмаматов кўчада Р.Авазов билан бехос тўқнаш келиб қолди.

— Ў бола, сен мен билан ҳазиллашма, — деди шунда ғазабдан тутаққан Р.Авазов. — Нимага уч ойдан буён «доля»ни бермайсан. Буёғи 200 минг сўмга бориб қолди. Тезда шунча пулни етказмасанг, кунингни кўрсатаман. Мени биласан-а!...

Ёмондан ё қочиб қутул, ё кетиб қутул, дейдилар. Б.Нурматов охири бу зулмларга чидамади, шекилли. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага бориб, барча воқеа тафсилотларини сўзлаб берди. Сўнгра ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимларининг кўрсатмаси билан Авазов талаб қилган пулнинг ярми, яъни 100 минг сўмни олиб, келишилган жойга етиб келди. Ошхонанинг алоҳида хонасида ўтирган Расул Авазов тамадди қилинадиган овқатларни буюриб бўлгач, Баҳодирга юзланиб сўз қотди:

— Мен айтган пулни олиб келдингми?

— Ҳа, ака лекин тенг ярми. Мана юз минг сўм пул, – дея унга газетага ўралган пулни узатди.

— Сен айтганни қилмас экансан. Мен 200 минг «доля», деганман. Ярмини олиб келибсан. Ҳа, майли қолганини тезда етказиб беришингни ҳисобга оламан. Гапим тушунарли бўлса керак! — газетага ўралган пулни чўнтагига солди Р.Авазов.

Қинғир йўлдаги кўчанинг боши берк бўлади. Бироздан сўнг улар ўтирган хонага кириб келган ҳуқуқ-тартибот ходимлари товламачини жиноят устида қўлга туширишди.

Фельетонимизга шу ерда ҳам нуқта қўйсак бўларди. Бироқ Расул Авазовнинг тузоғига илинганлар шу даражада кўпки, уларнинг баъзиларини санаб ўтмасак, инсофдан бўлмас. Токи бундай товламачиликнинг илдизи қирқилиб, ўзимиз ҳам атрофимиздаги воқеа-қодисаларга ҳушёр қарашга ўрганайлик.

Р. Авазов ўз фирибгарлигини бир неча йиллар давом этказган. Унинг тузоғига илинганлар, ойма-ой товламачи талаб этган «доля»ни бериб боришган.

Қишнинг қирчиллама кунлари. Изғирин шамол киши баданига игнадек қадалади. Расул Авазов ана шу кунлари «Термиз нефтбазаси» унитар корхонасининг Жарқўрғон бўлими бошлиғи Алишер Боқиев ҳузурида пайдо бўлади:

— Хўш, ишлар қалай? Даромад-буромад жойидами? Мени танийсан-а. Бир шикоят ёзсам ишдан бўшаб кетишинг турган гап. Яхшиси келишайлик. Сен ҳам, мен ҳам тинч юрамиз. Ҳар ойда менга 30 минг сўмдан «доля» бериб турасан. Ўшанда ҳаловатинг бузилмайди.

Алишер Боқиев бир тулкининг ҳийласи кўп жойда панд беради, ўзинг тинч олам тинч қабилида 2005 йилнинг январь ойидан 2006 йилнинг февраль ойигача товламачи чўнтагига 420 минг сўмлик «доля»ни солиб қўйганлигини ўзи ҳам қўрқув аралаш сезмай қолди.

Р.Авазовнинг эса иштаҳаси карнай. Қўрқитиш йўли билан тушаётган пуллар унинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйганди. Йўли бузуқнинг ҳамиша ёқаси йиртиқ бўлади. Аҳмад Юсупов «Термиз нефтбазаси» унитар корхонаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келарди. 2005 йилнинг август ойида унинг хонасига кириб келган Р.Авазов агар унга ҳар ойда 40 литрдан бензин бериб турмаса, устидан шикоят ёзиб, тинчлигини бузишини баён этади. Бош ҳисобчи ҳам маълум муддат орасида товламачига 180 литр бензин, 30 минг сўм пул бериб юборди.

Булардан руҳланган Р.Авазов эса ўзи тутган қинғир йўллар билан турли лавозимдаги АЁҚШ ходимларидан «агар мен айтган «доля»ни бермасанг, пойтахтга устингдан шикоят ёзаман», деб туманма-туман юриб, садақа сўраб юришни тарк этмади. «Денов нефтбаза» унитар корхонасининг Қумқўрғон туман филиали бошлиғи Эшмамат Муродов, шу корхонанинг бўлим бошлиғи Мамаражаб Абдураҳмоновдан 73 минг сўм, бўлим бош ҳисобчиси Бойбозор Холмаматовдан 79 минг сўм «Термиз нефтбаза» унитар корхонасининг Жарқўрғон бўлими бош тақсимотчиси Аваз Мадаминовдан 180 минг сўм, «Ҳусниддин-дўст» хусусий фирмаси бошлиғи Тўрақул Эргашевдан 160 минг сўм, «Денов нефтбаза» унитар корхонасининг бош ҳисобчиси Шарофиддин Насриддиновдан ҳар ойда 15 минг сўмдан... Хуллас, бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Гапнинг индаллосини айтганда, товламачи Расул Авазов 2000-2006 йиллар давомида жиноий йўл билан жами 21 миллион 628 минг 570 сўмлик маблағ орттиргани суд маҳкамасида ошкор этилди. Суд ҳукмига кўра, товламачилик йўли билан топилган ана шу маблағнинг барчаси давлат ҳисобига ундириладиган бўлди.

Жиноий ишлар бўйича Термиз шаҳар суди фирибгар Аваз Расуловни ўн бир йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ўз ҳукмини чиқарди.

«Қаҳрамон»имиз содир этган жиноятига яраша жазосини олди. Аммо бир товламачининг дўқ-пўписаси билан турли лавозимдаги туппа-тузук инсонларнинг жабрдийдага айланиши ҳар қандай кишини минг бир саволларга кўмиб ташлайдики, ҳайратдан ёқа ушлаб қоласан. Ўзинг тўғри, олам тўғри, деб бекорга айтишмаса керак. Хуллас, орамизда кейинги пайтларда баъзан учраб турадиган товламачи, фитначи, фирибгарлардан огоҳ бўлайлик. Мабодо бундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганимизда ҳар қандай қинғирликнинг эндигина ниш ура бошлаган илдизини шартта кесиб қўйайликки, токи у янада ривожланиб, ҳаром илдиз отмасин.

Аббос ХОЛМЎМИНОВ,
Жиноий ишлар бўйича Термиз шаҳар судининг судьяси,
Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Huquqiy savodxonlik sari

Имплементациянинг аҳамияти

Жаҳондаги глобаллашув жараёни, иқтисодий ва маданий интеграция халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг аҳамиятини оширмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ бажарилиши талаб этиладиган 190 дан ортиқ кўптомонлама шартномаларга қўшилди, мингдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Табиийки, бу мамлакатимиз олдига халқаро нормаларда кўзда тутилган мажбурият ва талабларни бажариш борасида бир қатор вазифаларни қўяди. Ана шу вазифалар имплементация жараёнини қамраб олади. Имплементация (ингл. "implementation" – айнан амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш) – халқаро ҳуқуқий меъёрларни асл ҳолида ички ҳуқуққа татбиқ қилиш, деган маънони англатади.

Имплементация институти механизмини яратиш ва самарали ишлашини таъминлаш фуқароларнинг халқаро доирада тан олинган, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини янада кучайтиради. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ мажбуриятлари юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиқарувчи орган фаолиятини енгиллаштиради ва бу, ўз навбатида, мажбуриятларнинг етарли даражада бажарилмаслигининг олдини олади.

Республикамизда имплементация масалаларига бағишланган кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида 2006 йил ноябр ойида **"Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари"** мавзусидаги анжуман шулар жумласидандир.

Айни пайтда мамлакатимизда имплементация институти механизми ривожланиш жараёни давом этмоқда. Келажакда бу институт механизми тўлиқ шаклланиши ва янада самарали натижалар беришига асослар бор. Қонун чиқарувчи органнинг халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланиб фаолият юритиши, Конституция ва қонунларимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олингани, халқаро ҳуқуқнинг олий таълим муассасаларида ўқув курси сифатида ўрганилиши ҳам ана шу асослар сирасига киради.

Имплементация институтининг аҳамиятини янада ошириш ва унинг миллий қонунчилик тизимимизда кенг ёйилиши учун халқаро ҳуқуқ мавзуи билан шуғулланувчи ҳуқуқшуносларнинг саъй-ҳаракатлари етарли эмас, деб ўйлаймиз. Бу борада конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик, хўжалик, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ва яна маъмурий ҳамда молия ҳуқуқи бўйича мутахассис-ҳуқуқшуносларнинг фаол иштироки зарур. Зеро, имплементация халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб яшашга замин яратади.

Шерзод ДЕҲҚОНОВ,
ТДЮИ талабаси

Агар жаҳон жиноятчилик тарихини варақлаб кўрсангиз, бир-биридан даҳшатли, шунинг баробарида ажойибу ғаройиб суд ишларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, XVI-XVII асрларда Европада инквизация суди "тараққий" топган даврлардаги суд жараёнлари, инквизаторлар томонидан жиноятчи, деб топилган фуқароларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари кишини ҳайратга солади. Тарихдан маълумки, 1620 йиллардан бошлаб, инквизаторлар "жодугарлар ови"га жиддий киришиб кетадилар. Бунинг натижасида минглаб инсонлар турли қийноқ усуллари билан ҳаётдан маҳрум этилади. Қуйидаги воқеалар билан танишсангиз, ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз.

Bu ko`hna dunyo

Ғаройиб «жиноят»лар ва антиқа жазолар

ЖАНГДА ҲАЛОК БЎЛДИ...

1623-1631 йилларга келиб, инквизаторлар "жодугар ови"(!)га берилиб кетишади. Айниқса, Вюрцбург шаҳрилик князь-епископ Филипп Адольф фон Эренберг бу борада жуда "машҳур" бўлган. У ўзи раҳбарлик қилаётган Вюрцбург епископлиги ва қўшни Бамберг епископлиги ҳудудидан яқин бир ярим минг нафар "жодугар"ни тутиб, қатл эттиришга "муваффақ бўлган"...

Филипп ўз ишига шу даражада "берилиб" кетадики, охир-оқибат ўзининг пушти камаридан бўлган фарзанди, якка-ю ёлғиз ўғлини (!) ҳам "жодугар"ликда айблайди. У пайтларда жодугарликда айбланган "жиноят"чи, шубҳасиз, олий жазога ҳукм этиларди. Ота ўз айбсиз фарзандини кўрабила туриб, ўлим жазосига ҳукм қилиши, бу жиноятчилик, қолаверса, инсоният тарихида ҳам камдан кам учрайдиган ҳодиса.

Бутун епископлик аъзолари, аббатлар, руҳонийлар Эрнестнинг ҳаётини сақлаб қолиш, унинг беайблигини исботлашга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Лекин ота – князь-епископ Филипп Адольф фон Эренберг ўз сўзида "қаттиқ" туриб олади. Яъни ўз ўғлини "жодугарлик ишлари билан шуғулланганлиги учун олий жазо"га тортилишига "эришади". У ўз ўғли устидан ўтказилган суд жараёнида сўзлаган нутқида "ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ", деган иборани ишлатган экан...

Хуллас, қатлгоҳга тўпланган оломон — томошабинлар нафасини ичига ютганча воқеалар ривожини кузатиб турарди. Қатл учун керакли бўлган барча асбоб-ускуналар майдонга келтирилиб, жаллодлар ўз жойларини эгаллагач, айбсиз-айбдор Эрнест фон Эренбергни олиб келишади. Сўнгги дақиқагача отасининг "кўнгли юмшаши"дан умидвор бўлган Эрнест яшашдан умидини узади. Лекин унинг бекордан-бекорга ўлиб кетгиси келмасди. Шунинг учун бўлса керак, бемалол қиличга суяниб турган жаллодлар бошлиғининг қуролини тортиб олади ва унга ҳамла қилади. Кутилмаган ҳол жаллодлар ва миршабларни шошириб қўяди. Лекин улар кўпчилик ва жаллодбошининг кўмакчилари ёш ва бақувват йигитлар эди. Эрнест уларни енга олмаган бўлсада, махсус қатлгоҳда жаллод қўлида эмас, балки жанг майдонида рақиби — жаллодлар бошлиғининг ёрдамчиси берган болта зарбидан ҳалок бўлади.

ТЎРТГА БЎЛИНГАН РУҲОНИЙ...

1442 йилда Англияда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган суд ҳукми ижро этилади. Роджер Болинброк исм-шарифли руҳонийнинг қатл маросими, халқнинг кўз ўнгида, ҳатто ўша вақт учун ҳам жуда ғайриоддий ва шафқатсиз тарзда амалга оширилади.

Гап шундаки, суд уни герцогиня Глостерскаяга қарши уюштирилган суиқасд иштирокчиларидан бири, деб топади ва ўлим жазосига ҳукм қилади. Қироллик судининг ҳукмига кўра, аввалига уни халқ кўз ўнгида осишди. Кейин эса дорда жон таслим қилган руҳоний отанинг кўзларини ўйиб олишди. Энг даҳшатлиси, жаллодлар бу шафқатсизликдан ҳайратланиб, нафас олмасдан "томоша" қилиб ўтирган халқнинг кўз ўнгида жиноятчининг танасини тўртга бўлади.

Шунинг учун ҳам "Роджер Болинброк иши" жиноятчилик тарихида суд томонидан энг шафқатсиз жазо қўлланилган "иш"лардан бири сифатида қолган.

"АЙБ"ИНИ ТАН ОЛДИ...

Бургундия (ҳозирги Франция)нинг Аррасса шаҳри фуқароси, руҳоний ва рассом Жеан ля Витт 1459 йилда инквизация трибунали томонидан ҳибсга олинади. Унга нисбатан "сеҳргарлик ва жодугарлик ишлари билан шуғулланганлик" айби қўйилади. Маълумки, ўша даврларда инквизаторлар айб эълон қилиниб, қамоққа олинган фуқароларга нисбатан исталган қийноқ турини қўллаши мумкин эди. Чунки бундай қийноқ усулларини қўллаш учун қонунда рухсат берилганди.

Узоқ ва даҳшатли қийноқлар оқибатида ҳар қандай айбсиз, лекин сабр-матонатли одам ҳам қилмаган айбини "бўйнига олиш"га мажбур бўлар эди. Албатта, ўз даврининг зиёлиларидан бири ҳисобланган фуқаролар орасида рассомлик ва руҳонийлиги билан машҳур бўлган Жеан тергов жараёнидаги бундай қийноқ усулларидан хабардор бўлмаслиги мумкин эмасди. Шунинг учун бўлса керак, у ҳибсга олинган биринчи куниёқ ўз тилини тишлаб, узиб ташлашга ҳаракат қилади. Айнан мана шу сабабга кўра, "Жеан ля Витт иши" жиноятчилик тарихида "тилсиз руҳоний" номи билан кириб қолган.

Энг қизиғи шундаки, ўз жонига азоб бериб, тилини тишлаб узиб ташлагани ҳам Жеанни муқаррар қийноқлардан қутқара олмайди. Унинг саводли эканлигидан хабардор бўлган терговчилар турли қийноқ усулларини қўллаб, ундан "айбига иқрорлик" ҳақида ёзма маълумот оладилар. Ана шу "иқрорнома"га таянган суд, охир-оқибат уни олий жазога ҳукм қилади...

Хорижий ОАВ материаллари асосида Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси бош маслаҳатчиси Айимгул Юсупбаевага отаси

Кенесбай Юсупбаевнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлиги 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 4098.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 23.30
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
2 3 4 5 6